

Яхшилик қилиш улуғ фазилат



06:40 / 13.11.2018 3068

Куни кеча «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан Бухоро вилоятида “Мурувват карвони” номли хайрия тадбири ўтказилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва диний-маърифий китоблар ортилган юк автомашинаси вилоятга етиб келди.



Бухоро шаҳридаги Мир Араб олий мадрасаси, Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти мутасаддилари ва Бухоро вилояти бош имом-хатиби билан биргаликда Бухоро шаҳридаги “Мурувват карвони” номли хайрия тадбири ўтказилди. Тадбирда 100 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотлари, 15 нафар ногиронлиги бор шахсларга аравачалар тақдим қилинди. Шунингдек, ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган 103 нафар имом-хатибга диний-маърифий мазмундаги китоблар тухфа этилди.





Бухоро шаҳридаги Мир Араб олий мадрасаси ва Мир Араб ўрта махсус ислом билим юртининг 245 нафар талабаларига диний-маърифий мазмундаги китоблар ва иссиқ кийимлар тарқатилди.

Тадбир давомида Бухоро шаҳридаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 4 нафар фуқаронинг уй-жойини таъмирлаб бериш ҳам режалаштирилди.

“Мурувват карвони” бошқа вилоятлар бўйлаб хайрия ишларини давом эттиради.

Islom.uz портали таҳририяти